

ОСТЕОАРТРИТДА ADAMTS-4 ВА ADAMTS-5 ФЕРМЕНТЛАРИНИНГ
КЛИНИК АҲАМИЯТИ

Шерматов Холбек Фахритдинович,
Эшмирзаева Аида Абдуғаниевна

*Термиз иқтисодиёт ва сервис университети,
Тиббиёт факультети
Тошкент тиббиёт университети*

Мавзунинг долзарблиги: Остеоартрит (ОА) – сурункали, прогрессия қилувчи бўғим касалликларидан бири бўлиб, аҳолида ногиронлик ва ҳаёт сифати пасайишига олиб келувчи асосий омиллардандир. Унинг патогенезида бўғим тоғайининг парчаланиши ва яллиғланиш элементлари муҳим роль ўйнайди. Агрекан протеогликанини йўқ қилувчи ADAMTS-4 ва ADAMTS-5 ферментлари остеоартритнинг асосий патоген элементларидан бири сифатида қаралмоқда. Уларнинг даражасини аниқлаш ва клиник ҳолат билан боғлиқлигини ўрганиш – диагностика ва даволаш стратегияларини индивидуаллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Методология: Тадқиқотга остеоартрит ташхиси қўйилган 120 нафар бемор жалб қилинди. Улар қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

1-группа (n=90): Синовиал суюқликда ADAMTS-4 ва ADAMTS-5 ферментлари ELISA усулида аниқланди.

2-группа (n=30): Клиник ва радиологик баҳолаш ўтказилди.

Назорат гуруҳи (n=30): Соғлом субъектлар.

Барча беморларда оғриқ даражаси (VAS), функционал ҳолат (WOMAC) ва радиологик ўзгаришлар (Kellgren–Lawrence) баҳоланди. Статистик таҳлил SPSS 26.0 дастурида олиб борилди, $p < 0.05$ ишонарли деб қабул қилинди.

Натижалар: 1-группа беморларида ADAMTS-4 (128.9 ± 13.6 pg/ml) ва ADAMTS-5 (103.5 ± 10.7 pg/ml) ферментлари даражалари назорат гуруҳига нисбатан аниқ юқори ($p < 0.001$) экани кузатилди.

Шунингдек, ферментлар даражалари VAS ($r = 0.63$) ва WOMAC ($r = 0.60$) кўрсаткичлари билан ўртача кучли мусбат корреляция кўрсатди ($p < 0.01$). Radiologik баҳолаш натижалари (Kellgren–Lawrence балллари) ҳам ферментлар даражалари билан мусбат боғлиқликка эга экани аниқланди.

Хулоса: Остеоартрит патогенезида ADAMTS-4 ва ADAMTS-5 ферментлари тоғай тўқимасининг деструкциясида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Улар клиник кўрсаткичлар – оғриқ ва функционал ҳолат билан бевосита боғлиқ бўлиб, остеоартритнинг эрта диагностикаси ва даволаш жараёнида биомаркер сифатида қўлланилиши мумкин. Ушбу ферментларга йўналтирилган терапевтик агентлар келгусида остеоартритни самарали даволаш учун янги имкониятлар яратади.

